

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 16 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, кадастр, соғлиқни сақлаш, кредит, уй-жой таъмир бола нафақаси, алимент ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олинниб, З та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 2 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириклар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-04-19 12:43:24